
ФАРҒОНАГА 200 МИЛЛИОН ДОЛЛАРДАН ЗИЁД САРМОЯ КИРИТГАН ХИТОЙ КОМПАНИЯСИ, ВИЛОЯТИМИЗДА ЯНГИ ИНВЕСТИЦИОН ЛОЙИҲАЛАРНИ АМАЛГА ОШИРАДИ

Вилоят ҳокими Хайрулло Бозоров Бешариқ туманида жойлашган “Фарғона ясин қурилиш моллари” Ўзбекистон-Хитой қўшма корхонаси раҳбарлари Гуан Жонг Ву ҳамда Эркин Маҳмудовларни қабул қилди.

Учрашувда Фарғона вилоятига 200 миллион доллардан зиёд тўғридан тўғри хорижий инвестициялар киритган Хитойнинг “Shaanxi Xiangsheng Industrial Group Co. Ltd” компанияси томонидан ўзи ҳаммуассислигидаги “Фарғона ясин қурилиш моллари” корхонасига чегарадош ҳудудда қиймати 300 миллион доллар, қуввати 500 МВтлик қуёш фотоэлектрик станциясини қуриш лойиҳаси муҳокама қилинди. Шунингдек, Қирғули спорт-балиқчилик хўжалиги сифатида фойдаланиб келинаётган кўлни замонавий туристик хизматлар билан бойитилган, меҳмонхоналарни ўз ичига олган чўмилиш ва дам олиш зонасига айлантириш лойиҳаси ҳам учрашув кун тартибидан ўрин олди.

Йирик цемент ишлаб чиқариш қувватларига эга “Фарғона ясин қурилиш моллари” корхонаси, режалаштирилаётган қуёш фотоэлектрик станциясида ишлаб чиқариладиган энергиясининг камида учдан бир қисмини ўз эҳтиёжи учун ишлатишини маълум қилган корхона раҳбарлари, лойиҳани тез муддатда амалга оширишга тайёр эканликларини билдирдилар.

Хайрулло Бозоров тунги электр таъминотида камайиш бўлмаслигини олдини олиш мақсадида бундай лойиҳалар энергия сақлаш батарея станциясини ҳам ўз ичига олиши лозимлигини қайд этди ва бу борада лойиҳани қайта ишланган ҳолда тақдим этилишига келишиб олинди.

Қирғули ҳудудидаги кўлни замонавий туристик маконга айлантириш лойиҳаси ўзлари учун жозибадор эканини ва Хитойда бу йўналишда қатор лойиҳаларни муваффақиятли амалга оширганликларини билдирган Гуан Жонг Ву, Хитойдаги компания директорлар кенгаши билан киритиладиган инвестиция ҳажмини келишган ҳолда инвестицион таклифни қисқа муддатларда тақдим этишини маълум қилди.

[Бизни ижтимоий тармоқларда кузатинг Facebook, Telegram, Facebook, YouTube, Instagram](#)

2023-09-25 21:12:57